



## ЗАРАУТСОЙ ҚОЯТОШ РАСМЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА АҲАМИЯТИ

Ойназаров Холиёр Ғойибназарович

Миллий археология маркази докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5758427>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20- Noyabr 2021  
Ma'qullandi: 25- Noyabr 2021  
Chop etildi: 30 - Noyabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Зарауткамар, Зарабоғ,  
Гадойтопмассой,  
Шалқонсой Ўзбексой,  
Қорабоғсой, Қизилолма,  
Дара, қопқон, ўрта  
асрлар.

### ANNOTATSIYA

*Зараутсой қоятош суратлари атрофидаги сойлардан янги тош расмлар топилди. Бу тош суратлар бронза ва темир даври билан характерланади. Бу эса Зараутсой қоятош суратларни қадимий эканлигидан далолат беради. Зараутсой қоятош суратлари Марказий Осиёнинг ибтидоий давр санъати тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.*

Ўрта Осиё халқлари томонидан яратилган маданий мерос намуналари орасида қоятош суратлари энг қимматли манба бўлиб, улар тошга ёзилган тарихий санъат асарларидир. Бугунгача Марказий Осиё минтақасида 300 дан зиёд қоятош суратларининг манзили аниқланган<sup>1</sup> ва ҳисобга олинган. Уларнинг 180 га яқини Ўзбекистонда жойлашган<sup>2</sup>. Марказий Осиёда топилган қоятош суратлари ичида Зараутсой

ёдгорлиги энг қадимийлиги ҳамда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Зарауткамар ғори Хисор тоғ тизмасининг жанубий-ғарбий тармоғи бўлган Кўҳитантоғнинг шимоли-шарқий этакларида, Зараутсой дарасида жойлашган. Ёдгорлик маъмурий жиҳатдан Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Қизилолма қишлоғидан 5 км жанубда, денгиз сатҳидан 2000 м баландликда жойлашган (1-расм).

<sup>1</sup> Эшқурбонов С.Б. Қоятош тасвирий санъат обидалари таҳлиliga доир баъзи мулоҳазалар//Шарқшунослар анжумани (ТДШИ) № 9 сони. – Тошкент, 2014. – Б. 99–103.

<sup>2</sup> Хужаназаров М. Сармишсой қоятош расмлари илмий тадқиқотлари. Тошкент, 2018 й. 18 бет.



Зараутсой қоятош ёдгорлиги 1939-йилда аниқланган бўлиб, қатор йиллар давомида И. Ф. Ломаев, Г. В. Парфёнов, А. Ю. Рогинская, А. С. Кириллов, А. А. Формозов, А. П. Иванова, В. К. Сандул, Ш. Исмоилов, А. Кабилов ҳамда М. Хўжаназаров томонидан ўрганилган.

Зараутсой расмлари тош асри одамларининг бадиий ижод маҳсули, қоя ранг-тасвир санъатининг нодир намунасидир. Зараутсойда санъатнинг илк кўринишларининг юзага келиши ибтидоий давр одамлари тасавури ва

эътиқодларида кескин ўзгаришлар юз берганлигидан далолат беради. Қоятош суратлари тадқиқ этилган илк йиллардаёқ унинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё худуди учун ноёб топилма эканлиги қайд этилган<sup>3</sup>. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1943-й., 1945-й.) ўтказилган илмий экспедициялар натижасида 26 та камарда жойлашган 264 дона сурат тадқиқ этилган<sup>4</sup>.



Зараутсойда тадқиқот ишлари дастлаб Г.В. Парфёнов томонидан олиб борилган бўлиб, 48 дона турли суратлар аниқланди ва тавсифланди. У Зараутсойнинг асосий суратлари палеолит расмлари ижодининг маҳсули эканлигини исботлашга уринади. Қуйи камарда топилган кичик

хўкиз суратларининг ёши тадқиқотчи томонидан юқори палеолитнинг мадлен даври билан белгиланган<sup>5</sup>. Тадқиқотчи А. Ю. Рогинская 1950 йилда чоп этган “Зараутсой” номли рисоласида қоятош суратлари ҳақидаги ўз хулосаларини билдириб ўтган. А. Ю. Рогинская ҳам ёдгорлик ёши борасида Г.В. Парфёнов

<sup>3</sup> Мирзаев Ж., Холмирзаев А. Зараут: қишлоқ ва ёдгорликлари // Ўзбекистон макон ва замонлар оша - Тошкент - 2011.

<sup>4</sup> Khujanazarov M., Ranov V., Samashev Z. Petroglyphs of Central Asia. - Bishkek. 2001. 92 p

<sup>5</sup> Рогинская А.Ю. «Зараутсай», М—Л, издательство детской литературы, 1950. 48-49 ст



фигурларини қўллаб қувватлайди. А. А. Формозов бу расмлардаги ўқ-ёй ва итлар мезолит давридан аввал бўлиши мумкин эмас деган оқилона фикрни билдиради<sup>6</sup>. А. П. Окладников ҳам юқоридаги фикрга қўшилиб, ушбу суратлардаги ов манзараларида ўқ-ёйнинг мавжудлиги уларни мезолит даври билан белгилаш имконини беришини билдиради. Негаки, ўқ-ёй мезолит даврида овчиликнинг асосий қуроли бўлган<sup>7</sup>. А. А. Формозов Зараутсойнинг энг қадимги суратларини мезолит, неолит ва энеолит даврига хослигини таъкидлаган<sup>8</sup>. Илмий доираларда Зараутсой қоятош суратларининг яратилиш даври ҳақида баҳс-мунозаралар бугунги кунда ҳам давом этмоқда<sup>9</sup>.

Зараутсой қоятош суратлари таркибида қизиқарли бўлган тасвирлар: ниқоб кийган одамлар суратларидир. Ушбу композицияда 25 та одам сурати чизилган бўлиб, улардан 19 таси ниқоб кийган ҳолда тасвирланган. Ниқоблар кенг конуссимон ёпқичлар ва туякуш кўринишига эга бўлган<sup>10</sup>. Тадқиқотчилар ушбу композицияни турлича изоҳлайдилар. Улардан кенг тарқалган талқин А. Кабирига тегишли. Олим ниқоб кийган одамларни ов пайтда ҳайвонга яқинлашишда, уларни чўчитиб юбормаслик мақсадида, унинг қиёфасига кирган овчи деб

таъкидлайди. Овчилар арчазорларда ўтлаб юрган ёввойи буқаларни аввал яқиндан ўраб олиб, сўнгга ўққа тутиш мақсадида айнан арчасимон ёпинчиқлардан фойдаланган<sup>11</sup>. Ҳозир ҳам асосий машғулот овчилик бўлган айрим қабилалар шу усулни қўллашади. Зараутсойда ҳам шунга ўхшаш манзара тасвирланган бўлиш мумкин.

Умуман ёдгорлик композицияси асосини ов жараёни билан боғлиқ тасвирлар ташкил этади. Зараутсой суратлари орасида ички қисми нуқталар билан ўралган ёпиқ айлана тасвири мавжуд бўлиб, бу тасвири ҳам ов жараёни билан боғлиқ ҳолда қопқон деб талқин қилиш мумкин<sup>12</sup>.

Зараутсой ёдгорлиги ҳудудида энг янги тадқиқотлар (фотосуратлар, тасвирлар ва ёзувларнинг нусхалари) М. Хўжаназаров томонидан амалга оширилган<sup>13</sup>. М. Хўжаназаров 26 та эмас, балки 8 та ғорни аниқлаган. тадқиқотчи қоятош суратларини ранглар, репертуар ва услубларидаги фарқларига кўра 3 та гуруҳга ажратади. Унинг фикрича қоятош суратларини мезолит ва бронза даври билан белгилаш мумкин.

Зараутсой қоятош суратлари хронологияси билан боғлиқ хулосаларнинг яна бир қисми З. Жасиев ва А. Розвадовскиларга

<sup>6</sup> Формозов А.А. Очерки по первобытному искусству.- М., 1969. С.23;

<sup>7</sup> Окладников А.П. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время. В кн.: Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М-Л.: 1966. -С. 72.

<sup>8</sup> Формозов А.А. О наскальных изображениях Зарауткамара в ущелье Зараут-сай. - СА. №4. М.:1966. -С. 22.

<sup>9</sup> Мақсудов Ф. А. К новой трактовке наскальных росписей Зараутсай Археология Узбекистана. 2016. № 2 (13) с 3-4

<sup>10</sup> Формозов А.А. Очерки по первобытному искусству.- М., 1969. С.69-71

<sup>11</sup> Кабири А. Древнейшая наскальная живопись Зараутсай. // Первобытное искусство. - Новосибирск: Наука, 1976.73-74 ст.

<sup>12</sup> Парфенов Г.В. Первобытные художники. «Фотогазета», №6-7. Ташкент.: 1945. -С. 4-5.

<sup>13</sup> Khujanazarov M., Ranov V., Samashev Z. Petroglyphs of Central Asia. - Bishkek. 2001. 91-93 p.



тегишли. Улар қоятош расмларини этнография билан боғлаб ўрта асрларга оид эканлигини исботлашга ҳаракат қилишган<sup>14</sup>. Албатта бу фикрларни тулиғича қабул қилиш мумкин эмас. Бу ерда расмлар турли даврларда чизилган. Зараутсой қоятош суратлари мезолитдан ўрта асрларгача бўлган даврда чизилган бўлиши мумкин. Қизил пигмент билан бўялган расмлар бири-бирдан фарқ қилади. Ов маросими билан боғлиқ расмлар қадимий эканлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек суратларда ўрта аср араб ёзуви ва расмларини ҳам учратишимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида ёдгорликни асраб-авайлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2004 йили “Зараутсой” жамоатчилик маркази тузилди. 2006 йил 17–18 июль кунлари жаҳон аҳамиятига молик санъат ёдгорлиги билан танишиш, унинг сақланиш ҳолатини кўриш ҳамда ЮНЕСКО рўйхатига киритиш мақсадида жамоатчилик марказига ЮНЕСКО вакиллари ташриф буюрди. 2009-йил



<sup>14</sup> Jasiewicz Z. and A.Rozwadowski. Rock paintings – Wall paintings: New light on Art tradition in Central Asia. Rock Art Research. 2001. Volume 18. Number 1. Pp 3-14.

<sup>15</sup>Anna Augustinová – Ladislav Stančo. The Petroglyphs of Pashkhurt Valley in the Surkhan

июнь ойида Марказ фаоллари ёдгорликнинг илмий жиҳатдан ўрганила бошланганлигининг 70 йиллигига бағишлаб тақдимот ўтказди. 2015-йилда Сурхондарёнинг ибтидоий санъат тарихини ўрганиш бўйича яна бир муҳим янгилик қилинди. Шайдуллаев Ш. Б. ва Л. Станчо раҳбарлигидаги Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедицияси Шеробод туманининг Зарабоғ қишлоғи яқинида янги қоятош суратларини аниқлади<sup>15</sup>. Улар Зараутсойдан 10 км узоқликда жойлашган. 2015-2021 йилларда олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида Зарабоғ қишлоғи яқинида 7 та сойдан: Гадойтопмассой<sup>16</sup>, Тепақиясой, Кайритсой, Қорабоғсой, Кампиртепасой, Шалқонсой ва Ўзбексойлардан тошда чўкичлаб ишланган янги расмлар аниқланди. Қорабоғсойдан топилган расмларда кўпроқ тоғ эчкилари расмлари акс этган (2-расм). Зараутсой атрофлари сойларида топилган янги расмлар Зараутсой қоятош расмлари қадимий эканлигидан далолат беради.



Darya Province (South Uzbekistan) – Preliminary Report 2016 STUDIA HERCYNIA XX/2, 122–138.

<sup>16</sup> Ойназаров Х.Ф. Гадойтопмассой петроглифлари “Ўтмишга назар” журнали. 15-сон, 2019 йил. 98-105 бетлар.



Юқорида келтирилган хулосалар Зараутсой қоятош суратлари Марказий Осиёнинг ибтидоий давр санъати тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги замон талаби асосида Зараутсой қоятош суратларини қайта ўрганиш вақти келди. Негаки, ўтказилган сўнгги экспедиция ўтган асрнинг 70-йилларида олиб борилган ва асосий иш: расмлардан шаффоф қоғозларга нусха кўчиришдан иборат бўлган. Ҳозирги кунда эса сезгир ва ниҳоятда кучли электрон фото аппаратлар пайдо бўлди. Ёриткичлар эса суратларни қайта фото расмларга олиш, илгари номаълум бўлган янги расмларни кашф этиш имконини беради. Замонавий лабораторияларда тош билан чуқичланган ва қизил

пигмент билан бўялган расмлардан анализ олиб, балки унинг даврига янада аниқлик киритишимиз мумкин.

Шунингдек, Зараутсой қоятош расмларини сақлашга бўлган талаб ҳам уни қайта тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Сабаби ёғингарчилик вақтида қизил охра билан чизилган расмлар сув тегиш натижасида ўчиб кетади. Буни тадқиқотимиз натижасида кузатдик, бир нечта расмларини сув тушган жойлари ўчиб кетган (3-расм). Бу расмларни сақлаб қолишимиз учун, Зараутсой қоятош расмларини муҳофазага олишимиз керак. Зараутсой қоятош расмларини асраб авайлаш ва келажак авлодга етказиб бериш бизнинг асосий вазифамиздир.



3-расм



## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Muslimov N. va b. T. Mehnat ta'limi o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. –T.: 2009 427 b.
2. Qo'ysinov O.A., Sattorov.V.N., Yakubova H.S. Mehnat ta'limidan amaliy mashg'ulotlarni tashkil etish metodikasi. (Metodik qo'llanma). T.: Nizomiy nomli TDPU, 2011. 79 b.
3. Sharipov Sh. S., Abralova M. Maktablar o'quv va o'quv ishlab chiqarish ustaxonalari uchun xavfsizlik texnikasi va ishlab chiqarish sanitariyasi qoidalari. Metodik yo'riqnoma. –T: RTM. 2002.
4. Sharipov Sh.S., Jalilov T. Mehnat ta'limi ustaxonalari uchun davlat ta'lim standartlariga muvofiq ko'rgazmali qurollar ro'yxati. Metodik qo'llanma. Toshkent, Respublika ta'lim markazi. 2002.
5. Sharipov Sh.S, Yakubova H.S. Mehnat ta'limi metodikasi fanidan laboratoriya mashg'ulotlari. Metodik qo'llanma. Toshkent-2008.
6. <http://www.istedod.uz>
7. <http://www.pedagog.uz>
8. <http://www.ziyonet.uz>
9. <http://www.tdpu.uz>
10. <http://www.Abduqodirov.pbnet.ru>